

2020

## ABOUT MEDIEVAL EGYPTIAN HISTORIANS

Zukhra Aripova

*INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN, doctor of Philosophy (Phd), docent of the department "Al-Azhar department of Arabic language and literature", z.aripova@iiu.uz*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu>



Part of the [Classical Literature and Philology Commons](#), [Historic Preservation and Conservation Commons](#), [Islamic Studies Commons](#), [Religious Thought, Theology and Philosophy of Religion Commons](#), and the [Terrorism Studies Commons](#)

---

### Recommended Citation

Aripova, Zukhra (2020) "ABOUT MEDIEVAL EGYPTIAN HISTORIANS," *The Light of Islam*: Vol. 2020 : Iss. 4 , Article 6.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2020/iss4/6>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

## ЎРТА АСР МИСР ТАРИХЧИЛАРИ ҲАҚИДА

### О СРЕДНЕВЕКОВЫХ ЕГИПЕТСКИХ ИСТОРИКАХ

#### ABOUT MEDIEVAL EGYPTIAN HISTORIANS

**Zukhra ARIPOVA**

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN,  
doctor of Philosophy (Phd), docent of  
the department Al-Azhar department of  
Arabic language and literature  
[z.aripova@iiu.uz](mailto:z.aripova@iiu.uz)  
II, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

**АННОТАЦИЯ.** Ушбу мақолада Мисрда мамлюклар ҳукмронлиги даври (1250-1517) тарихчиларининг ҳаёти, фаолияти ва улар томонидан қолдирилган мерос ҳақида сўз боради.

XIII–XV асрларда Миср ўрта аср шарқ мамлакатлари ичида мамлюклар фаолияти туфайли ўзига хос мавқега эга бўлган. Миср тарихида мамлюклар ҳукмронлигининг ўрнатилиши, мамлакатда ҳарбий лашкарбошиларнинг устунликни қўлга киритиши, баҳрий мамлюк султонларининг юксалиш жараёнлари (1250-1382) ва буржий (черкес) мамлюклари ҳукмронлиги давридаги (1282-1517) сиёсий жараёнлар ўзига хос ўринга эга бўлиб, Яқин Шарқдаги салибчилари ва мўғуллар билан курашларда қозонилган ғалабалари боис мамлюк султонлари обрў-эътибори ошиб кетган.

Мазкур мақолада Ибн ал-Асир ‘Али ибн Аҳмад, Ибн Халдун ‘Абд ар-Раҳмон, ал-‘Умарий, Шаҳоб ад-дин ал-Қалқашандий, Ал-Мақризий Токий ад-дин, Аз-Зоҳирий, Халил ибн Шаҳин, Ибн Тағриберди Абу ал-Маҳосин, ибн До‘уд Ас-Сайрафий, Ас-Сахховий ‘Абд ар-Раҳмон, Ас-Суйутий Жалол ад-дин, Ибн Ййос Муҳаммад ибн Аҳмад ва Ибн Занбал ар-Руммол каби ўрта аср тарихчилари фаолияти ва асарлари ҳақида маълумотлар берилган.

**Долзарблиги:** Мустақиллик даврида ислом дини, ислом тарихига оид маълумотларни излаш, тадқиқ қилиш ва кенг оммага ёйиш имкониятлари юзага келди. Бу ўз навбатида тадқиқотчиларга изланишлари имконини берди. Мисрнинг мамлюклар тарихини ўрганиш орқали ўша даврдаги Мовароуннаҳр тарихининг кўп қирралари очилади. Асл манбалар орқали ушбу мавзунини ўрганилиши бу даврдаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий жараёнларни холисона баҳолаш имкониятини яратади.

**Методлари:** Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, тизимлилик, холислик тамойиллари асосида ёритилган.

**Хулоса:** Миср тарихида мамлюклар даври номини олган XIII–XV асрлардаги тарихий асарлар билан бир қаторда турли илмий соҳалар бўйича ёзилган рисоалар, хилма-хил шарҳлар, қисқа илмий баёнлар (ал-мухтасар), луғатлар, шу жумладан араб-турк ва турк-араб тилларида луғатлар, адабий жанрлардаги насрий ва назмий асарлар ўша даврнинг холисона ёритилишига ёрдам беради.

**Таянч иборалар:** *Миср, мамлюк султонлари, ўрта аср, тарихчи, тарих, асар, баҳрий, буржий, ҳадис, фикҳ, наҳв ва сарф илмлари, адабиёт, география, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, диний.*

**АННОТАЦИЯ:** Эта статья посвящена жизни и творчеству историков периода мамлюков (1250-1517 гг.) в Египте и их богатому наследию.

В XIII–XV веках Египет занимал особое место среди стран Ближнего Востока благодаря деятельности мамлюков. Престиж султанов мамлюков возрос благодаря их победам в борьбе с крестоносцами и монголами на ближнем Востоке. Установление правления мамлюков в истории Египта, рост превосходства военных мамлюков в стране, подъем бахритских султанов-мамлюков (1250-1382) и политические процессы бурджитского (черкесского) периода мамлюков (1282-1517) представляют особый интерес для изучения.

В этой статье дана обширная информация о деятельности и работах средневековых историков, таких как Абу аль-Махасин, Ибн Дауд Ас-Сайрафи, Абд Ар-Рахман Ас-Сахави, Джалал ад-Дин Ас-Суюти, Ибн Ияс Мухаммад ибн Ахмад и Ибн Занбал Ар-Руммал, Али ибн Ахмад Ибн аль-Асир, Абд Ар-Рахман Ибн Халдун, аль-Умари, Шахаб ад-дин аль-Калькашанди, Таки ад-дин Аль-Мақризий, Аз-Захири, Халил ибн Шахин.

**Актуальность:** После обретения независимости Узбекистана перед востоковедами появились новые возможности для поиска, изучения и распространения информации об исламе и истории ислама среди слоев широкой общественности.

При исследовании периода истории мамлюков в Египте выявляются также многие аспекты истории Мовароуннахра того времени. Изучение первоисточников, содержащих информацию по данной теме дает возможность объективно оценить политические, социальные и экономические процессы этого периода.

**Методы.** В статье использованы общепринятые исторические методы, основанные на принципах историчности, структурности и объективности.

**Выводы:** Кроме того надо указать, что объективно-му освещению истории этого периода кроме исторических сочинений вышеуказанных авторов XIII–XV веков способствуют исследование различных научных трактатов, комментариев, сокращенных вариантов произведений (ал-мухтасар), словарей, прозаических и поэтических произведений.

**Ключевые слова:** *Египет, мамлюки, султаны, средневековье, историк, история, труд, бахритский, буржуазный, хадис, юриспруденция, морфология и синтаксис, литература, география, экономические, политические, социальные, религиозные.*

**ABSTRACT:** This article is dedicated to the life and work of historians of the Mamluk period (1250-1517) in Egypt and the rich heritage left by them.

In the XIII-XV centuries, Egypt had a special place among the countries of the Middle East due to the activities of the Mamluks. The prestige of the Mamluk sultans increased due to their victories in the fight against the Crusaders and the Mongols in the Middle East. The establishment of Mamluk rule in the history of Egypt, the growth of the superiority of military Mamluks in the country, the rise of the Bahrit Mamluk sultans (1250-1382) and the political processes of the Burjit (Circassian) Mamluk period (1282-1517) are of particular interest for this study.

This article provides extensive information on the activities and works of medieval historians such as Abu al-Mahasin, Ibn Daud Al-Sayrafi, Abd Ar-Rahman As-Sahawi, Jalal ad-Din As-Suyuti, Ibn Iyas Muhammad ibn Ahmad and Ibn Zambal Ar-Rummal, Ali ibn Ahmad Ibn al-Asir, Abd Ar-Rahman Ibn Khaldun, al-Umari, Shahab ad-din al-Kalkashandi, Taki ad-din Al-Makrizi, Az-Zahiri, Khalil ibn Shahin.

**Relevance:** After Uzbekistan gained independence, orientologists have new opportunities to search, study and disseminate information about Islam and the history of Islam among the general public.

When studying the period of the history of the Mamluks in Egypt, many aspects of the history of Mavaraunnahr of that time are also revealed. Studying the primary sources containing information on this topic makes it possible to objectively evaluate the political, social and economic processes of this period.

**Methods.** The article uses generally accepted historical methods based on the principles of historicity, structurality and objectivity.

**Conclusions:** Also, it must be pointed out that objective coverage of the history of this period, in addition to the historical works of the above authors of the 13th-15th centuries, is facilitated by the study of various scientific treatises, commentaries, shortened versions of works (al-mukhtasar), dictionaries, prose and poetic works.

**Keywords:** *Egypt, Mamluks, Sultans, the Middle Ages, historian, history, labor, Bahritian, bourgeois, hadith, jurisprudence, morphology and syntax, literature, geography, economic, political, social, religious.*

### КИРИШ

XIII–XV асрларда Миср ўрта аср шарк мамлакатлари ичида мамлуқлар фаолияти туфайли ўзига хос мавқега эга бўлган. Миср тарихида мамлуқлар ҳукмронлигининг ўрнатилиши, мамлакатда ҳарбий лашкарбошилари устунлики қўлга киритиши, баҳрий мамлуқ султонларининг юксалиш жараёнлари (1250–1382) ва буржий (черкес) мамлуқлари ҳукмронлиги давридаги (1282–1517) сиёсий жараёнлар ўзига хос ўринга эга.

Европанинг етакчи давлатлари, Яқин Шарқдаги салибчилари ва мўғуллар билан курашларда

қозонилган ютуқлари сабаб мамлуқлар XIII–XIV асрларда халқаро майдонда муҳим роль ўйнаган мустақил мамлуқлар султонлигини ўрнатишга муваффақ бўлишди.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Мамлуқлар даври Миср тарихнавислиги учун ҳам юксак ривожланиш даври бўлди. Шу сабабли мазкур давр тарихини ёритувчи турли асл қўлёзма манбалар жуда кўп. Шундай тарихчиларидан бири Аҳмад ибн Токий ад-Дин ал-Мақризий бўлиб, у 766/1364 йил Қоҳирада олимлар оиласида туғилган. У болалик даврини Қоҳиранинг Буржуан (ҳозирги Жамалил) туманида ўтказди. Ёшлигида тарихдан ташқари ҳадис, фикҳ, наҳв ва сарф илмларини, адабиёт ва Қуръони карим қироатини ўрганди. У кейинчалик ҳанафий мазҳабидан шофъий мазҳабига ўтган. Бунинг сабаби номаълум. Балки бобосининг вафотидан сўнг (786/1384) у каби шофъий мазҳабида бўлишни маъқул кўрган бўлиши мумкин. Айман Фуад Саййид бу ҳақда “У таълим олган мактаб шофъий мазҳаби асосига қурилган эди ва муҳит Ал-Мақризийнинг қарори ўзгаришига сабаб бўлган”, – деб қайд қилади. (*Taqiy ad-Din al-Maqriziy, 2002*) (*Taqiy ad-Din al-Maqriziy, 2002*). Лекин Фуад Саййид бу маълумот олинган манбани аниқ кўрсатиб ўтмаган.

Ал-Мақризий бир неча йиллар давлат хизматида фаолият кўрсатган. Дастлаб марказий султон девонхонасида ходим, сўнг шофъий қозиси, Ал-Ҳаким масжиди имоми вазифаларини бажарган. 1398 йилда Султон Барқуқ уни Қоҳира ва Қуйи Мисрнинг мухтасиби лавозимига тайинлаган. Лекин кўп ўтмай давлат хизматидан кетиб, тарихий манбаларни ўрганиш билан шуғулланган.

Таникли тарихчининг биринчи асари “Китоб ал-мавоиз ва-л-ийтибор би-зикр ал-хутат ва-л-осор” (*Taqiy ad-Din al-Maqriziy, 2002*) “(Қоҳирани) маҳаллалари ва ёдгорликлари билан тавсиф этишда насихатомуз китоб”) асари Мисрнинг қадимги ва ўрта асрлардаги ёдгорликлари ва шаҳарларини тасвирлашга бағишланган. Китобнинг қарийб ярми Қоҳира ва Фустатни тавсифлашга ажратилган. Бу асар ўзида илк мамлуқлар даври бўйича қимматли маълумотларни жамлаган. Шунингдек, унда муаллиф ўз давридаги Мисрни катта ватанпарварлик руҳида таърифлаган.

Ал-Мақризийнинг яна бир тарихий асари “Ас-сулук фи маърифати дувал ал-мулук” (*Taqiy ad-Din al-Maqriziy, 1997*) “Шоҳлар сулоласини билишга йўлланма китоби”) деб номланади ва унда Мисрнинг айюбийлар ва мамлуқлар давридаги сиёсий тарихи тасвирланади. Ушбу

китоб ўз даврида юқори даражада эътироф этилган. Шунингдек, Ал-Мақризий Мисрдаги очарчилик ва унинг сабаблари ҳақида ҳикоя қилувчи “Китоб иғосат ал-умма би-кашф ал-ғумма” (*Taqiy ad-Din al-Maqriziy, 2007*) (“Халқнинг қийинчиликлар туфайли абгор ҳолати ҳақида китоб”) номли асар ҳам ёзган. Унда Мисрда қадимги даврдан то 1405 йилгача кузатилган очарчиликлар ёритиб берилган. Бу асарда ал-Мақризий вабонинг тарқалишига сабаб сифатида ҳукмдорлар ва ҳокимларнинг ўз халқига эътиборсизлигини кўрсатган. Уни ушбу асарни ёзишга устози Ибн Халдуннинг “Муқаддима” асари туртки бўлган.

### МУҲОКАМА

Ал-Мақризийнинг баъзи асарлари бошқа тилларга ҳам таржима қилинган. Ал-Мақризий ўз замонасида юқори мавқега эга бўлганини унинг шогирдлари орасида буюк тарихчилар, жумладан Ибн Тағриберди ва Ас-Саховийларнинг борлиги ҳам тасдиқлайди. Агар Ал-Мақризийнинг жуғрофия илми бўйича дунёқарашига Ибн Дукмоқ кўпроқ таъсир кўрсатган бўлса, олимнинг тарихий қарашлари Ибн Халдун таъсирида шаклланди. Бу тўғрисида мисрлик олим Қосим Абдул Қосим шундай ёзади: “...иккинчи томондан, Ал-Мақризий Ибн Халдуннинг шогирди бўлган. У Қоҳирага хижрий VIII аср (милодий XIV аср) охирида келиб, бу ерда ташкил қилган илмий дарсларида тарихга нисбатан ўз қарашлари ва фалсафасини ошқор қилган. Унинг бу қарашлари Ал-Мақризийга таъсир қилганлиги асарларида яққол сезилади. Уларда ижтимоий-иқтисодий тус устун келади, шунингдек тарихий ҳодисаларга танқидий-таҳлилий қараш намоён бўлган.” (*Al-Qosim Abd al-Qosim, 1977:62, R.Hodjaeva, 2013:50, Z.Aripova, 2020:397-398*).

Шунинг учун Ал-Мақризий мазкур иккинчи китобида Миср тарихини XII асрдан бошлаб то XV асрнинг иккинчи ярмигача батафсил кўриб чиқади ва халқ ҳаётини ҳар томонлама тасвирлайди. (*R.Hodjaeva, 2013:50*)

Бу давр муаллифлари ичида яна бир ёркин сиймо, ўрта аср мусулмон маданий меросининг фахри ҳисобланган буюк олим ва адиб Абу Зайд Абдурраҳмон ибн Муҳаммад Ибн Халдун (732/1332) бўлиб, у Тунисда зиёлилар оиласида туғилган. Унинг биринчи устози отаси эди. Ибн Халдун улғайган давр илмлар кенг ёйилган ва унга қизиқиш кучайган бир давр бўлди. Унинг ажодлари араблар забт этган Испаниянинг Сивилиясида келиб чиққан бўлиб, испанлар арабларни ўз еридан суриб чиқаришганда Тунисга келиб қолишган ва 1349-1375 йилларда Тунис, Фас, Ғарнота, Бужжоя (Жазоир)

даги ҳукмдорлар саройларида юқори лавозимларда хизмат қилишган. Сўнг Мисрга келишади. Бу ерда Ибн Халдун ал-Азҳарда таълимини янада такомиллаштириб, баланд мартабаларга эришди, моликия мазҳаби бўйича “Қозилар қозиси” ёки “Бош қози” унвонига сазовор бўлди. Шунинг эътироф этиш керакки, бу олим турли илм соҳаларига оид асарлар қолдирган. Улар ичида энг машҳури “Китоб ал-ъибар ва дивон ал-мубтадо ва-л-хабар фи аййом ал-араб ва-л-ажам ва-л-барбар ва ман осораҳум мин зави ас-султон ал-акбар” (*Abd ar-Rahman Ibn Xaldun, 2001*) (“Араблар, форслар, барбарлар ва уларнинг олий ҳокимиятга эга бўлган замондошлари кунлари тўғрисида ибратлар китоби ва ибтидо ва хабар девони”) номли асар бўлиб, китоб уч қисмдан иборат. Унга ёзилган кириш – “ал-Муқаддима” (*Abd ar-Rahman Ibn Xaldun, 2004*)нинг ўзи жуда катта аҳамиятга эга. Ибн Халдун социология фанининг асосчиси ҳисобланиб, унинг биринчи пойдеворини қўйган. Олим биринчилардан бўлиб давлат қурилиши ва инқирозининг босқичлари ҳақида фикр юритган. Унинг қарашлари ва назариясидан бир неча асрлар ўтгачгина бир қатор машҳур олимлар, жумладан француз олими Август Конте шунга ўхшаш ғояларни илгари сурди. Ибн Халдуннинг “Муқаддима”си ўзигача мусулмон дунёсида ўхшаши бўлмаган социологик асар саналиб, кўп билим соҳалари ва қимматли маълумотларни ўзида мужассамлаштиргани боис дунёнинг турли илмий марказларида арабшунослар томонидан ўрганиб келинмоқда.

Муаллиф “Ал-Муқаддима”да фалсафа, тарих ва ижтимоий масалаларда ўзидан олдин қалам тебратган олимларнинг асарларини танқидий таҳлилдан ўтказди. Асарида ўтроқ ва кўчманчи халқлар ҳаёти тўғрисида маълумотлар беради ва кўчманчи ҳаёт тарзидан ўтроқ ҳаётга ўтиш жараёнини ва шу жараён сабабларини кўрсатади. Сўнг давлатчилик омилларини, унинг тузилиш йўлларини аниқлаб, давлатларнинг барпо бўлиши, уларнинг юксалиши ва пасайиши сабабларини кузатади. Олимнинг асарида сиёсат, илм, санъат, адабиёт масалаларига кўп ўрин ажратилган. Жамият ривожига қонуниятларни ажратиб ўрганишга интилган Ибн Халдун инсон ва унинг табиати, маънавий руҳиятини марказга қўйиб изланишда бўлди ва бу борада ўзигача ижод қилган олимлардан тубдан фарқ қилди. Ибн Халдуннинг мазкур китобининг етти жилди Миср, Сурия ва Европанинг баъзи мамлакатларида нашр этилган ва бошқа тилларга таржима қилинган. (*R.Hodjaeva, 2013:45-47*).

Мазкур даврнинг яна бир қомусий олими Ибн Ҳажар ал-Асқалоний 773/1375 йилда эски

Қоҳирада туғилган. Унинг отаси олим, адиб бўлган. Болалигидаёқ отаси вафот этгач, унга қариндоши Закийиддин ал-Харубий ғамхўрлик қилади. У фикҳ, араб тили ва адабиёти, ҳадис илмларини мукамал эгаллаган ва Миср, Сурия, Ҳижоз бўйлаб сафар қилган. Ибн Ҳажар Миср мамлуклари даврида бошқарув маъмуриятида кўплаб муҳим ишларни амалга оширган, бу эса ўз навбатида унга Мисрдаги барча сиёсий воқеалар ва мамлукларнинг даромадлари билан танишиш имконини берган. Шунингдек, Ал-Асқалоний шу даврдаги воқеаларнинг дастлабки манбаларидан бевосита хабардор бўлган. У “Дор ал-адл” да шофъий мазҳаби қозиси бўлган, фатволар чиқарган. Дастлабки китоблари ҳадис ва исломий илмларга бағишланган. Унинг “Фатҳ ал-Борий фи шарҳи Саҳиҳ ал-Бухорий” (*Ahmad Ibn Ali Ibn Hajar al-Asqalani, 2000*) “Саҳиҳ ал-Бухорий шарҳини учли қалам билан очиш”) асари шу даражада шуҳрат қозондики, теурий султон Шоҳрух Мирзо ҳар бир жилди 300 динор турувчи ушбу китобга ўз эътиборини қаратган. (*Muhammad Mustafu Ziyoda, 1949:18*).

Ибн Ҳажар ал-Асқалоний асарлари орасида “Анба ал-ғумр би абна ал-умр” (*Ahmad Ibn Ali Ibn Hajar al-Asqalani, 1969,1998*) (“Замондошлар ҳақидаги унутилган хабарлар”) китоби ҳам бўлиб, унда муаллиф ўзининг туғилганидан (773/1371) бошлаб то вафотида қадар (852/1449) бўлган даврдаги хотираларини баён этади. Бу асар олим Раҳмон Ҳабаший томонидан нашрга тайёрланган ва 1969 ва 1998 йилларда чоп этилган.

Яна бир мисрлик тарихчи Иброҳим ибн Дукмоқ ал-Мисрий (750/1349–809/1406) Қоҳира шаҳрида туғилган. Дастлаб фаолиятини аскарликдан бошлаган. Ибн Дукмоқ мамлуклар ҳукмронлиги даврида ўша давр таъсири остида яшагани учун туркий давлат бошқаруви ишларидан хабардор бўлган. У ўз асарларида тарихий ва географик масалаларга кўпроқ тўхталган. Унинг “Китаб ал-интисор ли восита ақд ал-амсор” (*Muhammad ibn Duqmaq, 1966*) (“Шаҳарлар маржонига оид ғалаба китоби”) номли асарида мусулмон мамлакатларининг энг катта шаҳарлари тавсиф этилган. Рус шарқшуноси В.Г.Тизенгаузен унинг иккита тарихий хроникасини ўзининг “Олтин Ўрдага тааллуқли материалларнинг мажмуаси” тўпламига қўшган (*Tuzengauzen V.G.,1884*), чунки мамлуклар султонлари ва Олтин Ўрда хонлари ўртасида алоқалар жадал равишда ривожланган эди, ҳатто қудачилик ришталари ҳам бор эди (*Al-Xuli Amiyn, 1964:53-54*).

Ибн Дукмоқ асарларининг бошқа асарлардан фарқи шундаки, унда бадииятга хос унсурлар

унча намоён бўлмайди, шеърлар ҳам нисбатан кам учрайди. Аммо у ёки бу шаҳарни тавсиф этганда, шу шаҳар тўғрисидаги бор ҳикояларни албатта келтирар эди. (*R.Xodjaeva, 2013:49*)

Мамлуклар даврининг таниқли тарихчиларидан яна бири Бадриддин ал-Айний 762/1360 йилда Ҳалаб яқинидаги Аинтабда (замонавий Газиантеп) туғилган. У араб тили ва адабиёти, ҳанафий мазҳаби фикҳини ўрганган. Отаси вафотидан кейин илмий иштиёқи сабаб 1383 йилда Дамашққа сафар қилади ҳамда ҳадис илмидан сабоқ олади. 1398 йилда Қоҳирага келади. Уни Ал-Мақризий билан бирга Қуйи Миср ва Қоҳира мухтасиби лавозимига тайинлашган. Тарихчи Ал-Мақризий Ал-Айнийни бутун умри давомида ёқтирмагани ҳақида маълумотлар бор. Бадриддин ал-Айний Қоҳирада “ҳисба (тош-тарози назоратчиси)” лавозимини эгаллади. Унинг вазифаси бозорларни назорат қилиш, товарларни етказиб беришдан иборат бўлган. Султонлар бозор шароитлари ва қонун бузилганида унга мурожаат қилишган. Лекин у бу лавозимда узоқ вақт фаолият юритмаган. Султон Бейбарс ҳукмронлиги даврида 12 йил (1425-1437) ҳанафий мазҳаби бош қозиси лавозимида хизмат қилган. Араб тилини яхши билмаган Султон Бейбарс даврида ал-Айний мамлуклар тилини (туркий) яхши билгани туфайли обрў-эътибори ошиб кетган. У ўзининг кундалик битикларини султонга ўқиб берган. Ал-Айний ушбу битикларни араб тилида ёзган бўлса-да, ўша заҳоти туркий тилга таржима қилиб бера олган. Ал-Айний тўрт жилдлик “Ақд ал-Жамон фи тарих аҳл аз-замон” (*Badr ad-Din al-Ayniy, 2002*) (“Замон одамлари тарихидан марваридлар шодаси”) номли улкан тарихий асар муаллифидир. Бу хронологик тадқиқотлар 1446 йилгача бўлган ҳодисаларни ўз ичига олади. Шунингдек, Ал-Айнийнинг “Ас-Султон Барқуқ муассис давлат ал-мамолик ал-жароқиса” (*Badr ad-Din al-Ayniy, 2002*) (“Султон Барқуқ черкес мамлуклари давлати асосчиси”) асарида буржий мамлук султони Барқуқнинг тахт тепасига келиши ёритиб берилган.

Ал-Мақризийнинг замондоши ва издошларидан бири Халил ибн Шаҳин аз-Зоҳирий эса 813/1410–873/1468 йилда Қуддусда туғилган бўлиб, асли келиб чиқиши мамлук амирлари сулоласидан бўлган. Қоҳирага келиб илм олган. Уни ҳарбий хизматга жалб этишади. Ҳарбий хизматда унинг ҳарбий истеъдоди туфайли отабек даражасигача кўтарилди (1000 нафар мамлукни бошқарган). Шу билан бир қаторда юқори лавозимларда ҳам фаолият олиб борди. 1434 йилда Искандарияда бош ҳожиб ал-хужжоб лавозимида фаолият юритди. Унинг мамлуклар даври давлат тизимидан хабардор шахс

сифатида ёзган асарлари, хусусан, “Зубдат кашф ал-мамолик ва байон ат-турук ва-л-масолик” (*Khalil ibn Shahin az-Zahiry, 1988*) (“Давлатларни бошқариш методлари ва шархлаш йўлларининг қисқа таърифи) номли асари жуда қимматлидир.

XV аср ўрталарида, Ал-Мақризий ва Ал-Айнийнинг вафотларидан сўнг, тарих саҳнасига бошқа бир иқтидор соҳиби Ибн Тағриберди Абул Маҳосин (813/1411–874/1470) кириб келди. Унинг насл-насаби машҳур мамлуклар сулоласига бориб тақалади. Унинг отаси бир неча йил мамлуклар султонлигидаги энг юксак лавозимлардан бири Дамашқ ҳокими бўлган. У отасидан болалик вақтида ажралганига қарамай, мамлукларнинг ғамхўрлиги сабабли яхши таълим олиб, қийинчиликсиз ўсди. У фикҳ, мусиқа, шеърятдан сабоқ олди ва араб, туркий тилларни пухта эгаллади. У Ал-Мақризий, Ал-Айний, Ибн Хажар, Ибн Арабшоҳ каби таниқли устозлардан таълим олди. Ибн Тағриберди Ал-Мақризий ва Ал-Айний сабаб тарихий мавзуларда тадқиқотлар олиб боришга меҳр қўйди. Унинг 12 та йирик асари бўлиб, улар орасида “Китоб ан-нужум аз-зоҳира фи мулук Миср ва-л-Қоҳира” (*Jamol ad-din Abu al-Mahasin Ibn Taghri Birdi, 1992*) (“Миср ва Қоҳира шоҳлари (мулкдорлари) орасидаги ёрқин юлдузлар китоби”) деб номланган тарихий асари 1468 йилгача мусулмон жанглари вақтидаги ҳодисаларни камраб олган бўлиб, етгита катта бўлимдан иборат. Дастлаб бу асар Султон Жақмоққа бағишланиши ва бу султоннинг ҳукмронлиги ниҳоясигача бўлиши режалаштирилган эди. Бироқ 1443 йилда султон Жақмоқ тўсатдан вафот этади, лекин муаллиф асарни давом эттиради. “Мунтахабот мин хаводис ад-духур фи мада-л-аййом ва-ш-шухур” (*Jamol ad-din Abu al-Mahasin Ibn Taghri Birdi, 1990*) (“Кунлар ва ойлар давомидаги замон ҳодисаларидан сайланмалар”) китоби Ал-Мақризийнинг “Ас-сулук фи маърифа дувал ал-мулук” китобининг давоми сифатида ёзилган ва унда 1441–1469 йиллардаги ҳодисалар кунма-кун, ойма-ой баён этилган. Бу китобларда муаллиф айниқса феодал мулкдорлар орасидаги низоларга ва халқ исёнларига катта эътибор беради. Ўзидан олдин яшаган муаллифлар асарларидан кенг фойдаланади, айниқса Ал-Мақризий ва Ибн Дукмоқнинг илк мамлук султонлари тўғрисида келтирган маълумотларидан истифода этади. Ибн Тағрибердининг яна икки замондоши Ибн Дауд ас-Сайрафий ва Ас-Саховий бўлишган.

Нуриддин Алий ибн Ибн Дауд ас-Сайрафий ал-Жавҳарий /8191416 йилда Қоҳирада туғилган. Ўзининг Ас-Сайрафий лақабини отасидан олган. Отаси давлат хизматининг “сайрафий” (пул алмаштириб берувчи) лавозимида фаолият юритган.

Ўзининг билими ва иқтидори сабаб Султон Барқукқа қарашли масжид имом-хатиби лавозимига эришди. Отасининг ўлиmidан сўнг Ибн Дауд ас-Сайрафий диний фаолият билан бир қаторда савдо билан ҳам шуғулланди. Иккинчи лақаби (куняси) эса “ал-Жавҳарий” заргарлик буюмлари савдоси билан шуғуллангани ортидан кеиб чиққан. Кўп ўтмай у касодга учрайди ва Ибн Хажар, Ибн Тағриберди, Ас-Саховий каби тарихчиларнинг асарларини кўчириб бериш билан шуғулланди. Ёши катта бўлганидан сўнг ўзининг тарихий асарларини ёзган. Унинг “Нузхат ан-нуфус ва-л-абдан фи таворих аз-замон” (*Nur ad-din Ali ibn Davud Ibn Sayrafiy, 2019*) (“Замон тарихларида руҳ ва бадан сайри”) асари Миср мамлуклари даври тадқиқотчиларида қизиқиш уйғотади. Бу асар 1382-1446 йиллардаги тарихий жараёнларни ўз ичига олган.

Яна бир тарихчи Абдураҳмон ас-Саховий Мисрнинг шимолидаги Сахо минтақасида 831/1428 йилда туғилган (вафоти 1497 йил). У дастлаб Қоҳирада, сўнг Маккада таълим олди. У наҳв ва сарф, ҳадисшунослик ва фикҳ, тарихни пухта ўрганди. Унинг ҳадис илми ва тарихга оид бир неча асарлари мавжуд. Ўрганилаётган даврга оид энг машҳур тарихий асарлари “Китоб ат-тибр ал-масбук фи зайл ас-сулук” (*Muhammad ibn Abd ar-Rahman As-Saxxaviy, 2002*) (“Ас-Сулуқни тўлдириш қўйма олтин руда китоби”), “Ад-дувал-ломиъ фи аъён ал-қарн ат-тасиъ” (*Muhammad ibn Abd ar-Rahman As-Saxxaviy, 1992*) (“IX асрнинг машҳур кишиларига ёрқин нур”) кабилар шулар жумласидандир.

Ўз даврининг энциклопедик олими, муфассири, муҳаддиси, мутакаллими, муаррихи бўлган Жалолиддин ибн Муҳаммад ас-Суютий 849/1445 (вафоти 911/1505) йилда Суйутда туғилган. Унинг оила аъзолари орасида кози, мухтасиб, савдогарлар бўлган. Жалолиддин 6 ёшида отасидан жудо бўлди. Ўлимидан аввал дўстларига ўғлининг тарбияси билан шуғулланишларини васият қилган. Улардан бири Ал-Камол ибн ал-Хуммом ал-Ханафий бўлиб, у ёш Ас-Суютийни ўзи таълим берадиган “Аш-шайхуния” мадрасасига ўқитиш учун олиб келди. У тафсир, ҳадис, фикҳ, улумул Қуръон, тарих, наҳв, балоғат илмларини мукамал ўрганган. Ас-Суютий турли жабҳаларда ижод қилган. 17 ёшида биринчи китобини ёзган. Тарих, адабиёт, тил ва дин борасида 350га яқин асарлар яратди. Унинг “Китоб хусн ал-муҳодара би ахбор Миср ва-л-Қоҳира” (*Jalol ad-Din Abd ar-Rahmon ibn Abu Bakr As-Suyuti, 1967*) (“Миср ва Қоҳира хабарлари маърузаларининг гўзаллиги китоби”) номли асари икки қисмдан иборат бўлиб, Миср ва Қоҳира тарихига бағишланган. Яна бир тарихий асари “Тарих ал-хулафои умаро ал-

муъминийн” (*Jalol ad-Din Abd ar-Rahmon ibn Abu Bakr As-Suyuti*, 2003) (“Амир ва халифалар тарихи”) деб номланган бўлиб, унинг охирги бўлими бахрий черкес мамлук султонлари ҳукмронлиги даврида Қоҳирада бўлган аббосий халифалар тарихини тасвирлашга бағишланган.

Мамлуклар даври тарихчиларидан яна бири Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Йёс (852/1448–930/1523) Қоҳира шаҳрида туғилган. Келиб чиқиши таникли мамлук сулоласига бориб тақалади. Мисрлик олимнинг отаси давлат амирларидан бўлган. Султон Фараж даврида даъводор лавозимида ишлаган. У тарих, жуғрофия, шеъриятда ижод қилган. Унинг асарлари орасида “Китоб тарих Миср ал-машхур би бадоъи аз-зухур фи виқоъи ад-духур” (*Muhammad ibn Ahmad ibn Iyas al-Hanafi*, 1982) (“Давр ҳодисалари орасида нодир гуллари билан машхур бўлган Миср тарихи тўғрисида китоб”) асари 1522 йилгача бўлган тарихий воқеаларга бағишланган. Бу тарихчи усмоний турклар Мисрни ишғол қилган вақтдаги воқеаларнинг гувоҳи бўлган ҳамда мамлук султонлари ҳукмронлиги ниҳоясидаги ягона тарихчи ҳисобланади. Ушбу асар мамлуклар давлатининг инкирозга юз тутиши сабаблари, мамлукларнинг молиявий аҳволи, Мисрнинг усмоний турклар томонидан босиб олиншидаги ҳодисаларни баён этиши билан ниҳоятда қимматлидир.

Шаҳобиддин ал-Қалқашандий (756/1355–821/1418) Қоҳира яқинидаги ал-Кулайб шаҳарчасига қарашли Қалқашанда қишлоғида туғилган. У ёшлигидан илмга қизиқиб, араб тили, адабиёти, ҳадис ва исломшунослик илмларини, жуғрофия, тарих фанларини мукамал эгаллади. У ўз даврининг сиёсий ва маъмурий тизимларини яхши билган тарихчи-энциклопедик олим эди. Шаҳобиддин ал-Қалқашандийнинг “Субҳ ал-аъша фи синаот ал-иншо” (*Shahab ad-Din Al-Qalqashandi*, 1914-1919) (“Иншо ёзишда кўзи ожизга тонг нури”) номли 12 жилдли энциклопедияси мавжуд. Ушбу асарда адабиёт, адабиётшунослик, балоғат илми каби кўпгина фанларга оид маълумотлар жамланган. Унда адибнинг мавқеига ва масъулиятига кўп ўрин берилган, шунингдек, ишда ҳужжатлар тузиш, дипломатик ёзишмалар шакли, тарихий хроникалар яратиш борасида маслаҳатлар ва тавсиялар берилган, турли мамлакатлар ва минтақалар, жумладан Марказий Осиё давлатлари тўғрисида ҳам қизиқарли маълумотлар бор. Ал-Қалқашандий фақат маълумотларни бошқалардан жамлаш билан қаноатланмасдан, ўз даври тўғрисида кўплаб янги маълумотлар қолдирган, жумладан мамлук султонлари ва Моварауннаҳр ҳокимлари ўртасидаги ёзишмаларни келтирган, адабиётнинг

назарий масалаларини кўтарган, умуман илму фан борасида ўзининг мунозаралари, фикру қарашларини батафсил ифодалаган. Шунингдек, бу китобда мамлук султони Барқук даврида Сарой девонхонасидаги кўпгина маълумотлар жамланган. Унинг ушбу шоҳ асарининг 1913–1920 йилларда Қоҳирада нашр этилган бир нусхаси Ўзбекистон Фанлар академиясининг кутубхонасида нодир китоблар бўлимида сақланиб келмоқда. (*R. Xodjaeva*, 2013:40-41)

Илк мамлук султонлари даврида яшаб ижод этган яна бир олим Абдурахмон ибн Исмоил Абу Шама (596/1203–665/1267) Дамашқда туғилган. У таникли тарихчи, фақих, муҳаддис бўлиб, “Абу Шама” тахаллуси билан танилган. Унинг машхур асари “Китоб ар-равдатайн фи ахбор ад-давлатайн” (*Abd ar-Rahman Ibn Ismoil Abu Shama*, 1997) (“Икки давлат хабарлари ҳақида икки бўстон китоби”) деб номланган китоби бўлиб, унда Нуриддин Занги ва ундан кейинги султон Носир Салоҳиддин Айюбий ҳақидаги тарихий маълумотлар жамланган ва таҳлил қилинган.

Шаҳобиддин Аҳмад ан-Нувайрий (677/1279-733/1333) ҳам ўрганилаётган даврда яшаб ижод қилган тарихчи бўлиб, у Бани Сайфий муҳофазасидаги ан-Нувайрия қишлоғида туғилган. Қоҳирадаги ал-Азҳар университетиде ўқиган. Бутун умр мутолаа билан шуғулланган, доимо ўз устида ишлаган, ўзига ва бошқаларга нисбатан ўта талабчан бўлган. У “Саҳиҳ ал-Бухорий” асаридан нусха кўчириб, Султон Қалавунга совға қилган. Муҳаммад ал-Қалавун султонлиги даврида котибликдан юқори давлат мансабларигача кўтарилган. Ўткир зеҳнли олим замонасигача етиб келган асарлардаги камчиликлар ва ноаниқликлар борлигини аниқлаб, ўз тузатишларини киритади. Унинг “Ниҳоят ал-араб фи фунун ал-адаб” (*Shahob ad-Din an-Nuvayriy*, 1922-1924) (“Адаб илмларида мақсаднинг ниҳояси”) номли асари 30 жилддан иборат. Асар беш қисмга бўлинган. Биринчи қисм – самовий жисмлар ва ернинг тавсифига, иккинчи қисм инсониятга, учинчи қисм – ҳайвонот оламига, тўртинчи қисм набототга, бешинчи қисм эса хўжалик масалаларига бағишланган. Шунингдек, муаллиф девонхона ходимларига ҳужжатлар тузишда қимматли маслаҳат ва тавсиялар ҳам бериб ўтган. Албатта бутун коинот, самовий жисмлар, ернинг яратилишида бирламчи сабаб қилиб ан-Нувайрий Аллоҳ таолони тан олади ва бунда Куръони карим сураларига ва ҳадисларга таянади. Шунинг билан бирга яратилган дунёнинг марказига инсонни қўяди ва асар давомида кўтарган масалалар у билан боғланиб, мантиқий равишда унинг ҳаётини қамраб олган нарсалар тўғрисида ҳам

маълумотлар беради. Ижтимоий-сиёсий муҳити, ер ва унинг тафсилотлари, энг гўзал жойлари, шаҳарлари, кишлоқлари, инсоннинг жамиятларга бирлашуви ва бошқа жихатларга эътибор қаратилади. Муаллиф қайси мавзуга ёндашмасин, унинг инсониятга қандай фойда келтиришини ҳисобга олади.

Қоҳирадаги машҳур “Дор ал-кутуб” кутубхонасида сақланаётган ва Миср олими Аҳмад Закий томонидан 1923 йилда нашр қилина бошланган ушбу энциклопедия муқаддимасида муаллиф котиб сифатида шаклланганлиги ва билимлар соҳасида ўзининг нуқсонларини тўлдириш ва тез фойдаланиш учун махсус асар яратишга ўзида эҳтиёж сезганлигини ёзади. (*Shahob ad-Din an-Nuvayriy, Ж.1,3,4*)

### НАТИЖАЛАР

Ушбу асарда тарихий ва адабий мавзуларга кўп ўрин ажратилган. Муаллиф тарихнинг энг муҳим босқичларига тўхталиб ўтади, қадимги даврлардаги пайғамбарлар бўйича маълумотлардан ўзи яшаган давр мамлуклар давридаги Султон Бейбарс ва Султон Муҳаммад ибн Қалавун ҳукмдорлик давригача бўлган маълумотларни тақдим этади. Тарихий қисмларда муаллиф жуда эътиборли, синчковлик билан маълумотларни танлайди, фақат ўзи ишонч ҳосил қилганларини келтиради, маълумотларни асосан Миср тарихчиси Иброҳим ибн Восиф Шох (XII аср охири – XIII аср боши), тарихчи, адиб ва жуғрофий олим Абул Ҳасан ал-Масъудий (956 йилда вафот этган), файласуф ва тарихчи олим Аҳмад ибн Мискавейҳ (тахминан 932–1021) қабилардан олган. Мамлуклар даврига келганда муаллиф асосан хотираларда муҳрланган яқин ёки ўзи кузатган ходисаларга тўхталади ва асарига мутлақо янги маълумотлар киритади. (*R.Xodjaeva, 2013:40*)

Шаҳобиддин ал-Умарий (700/1301–749/1349) Дамашқда туғилган. Унинг келиб чиқиши Умар ибн Хаттобга бориб тақалади. Ал-Умарий география, тарих ва фалакиёт илмини мукамал эгаллаган. Султон Қалавун ҳукмронлиги даврида Қоҳирага келади ва Иншо девонида ишлайди. У ўша вақтда мавжуд бўлган мамлуклар китоб хазиналаридан бемалол фойдалана олади. Унинг 20 қисмдан иборат “Масолик ал-абсор фи мамолик ал-амсор” (*Shahob ad-Din al-Umariy, 2002*) (“Йирик марказлардаги мамлакатларга нигоҳ ташлаш йўллари”) асарида фалакиёт, география, тарих, адабиёт, жамият, буюк олимлару адиблар тўғрисида маълумотлар жамланган. Париждаги Миллий кутубхонада сақланиб келаётган нусхада Марказий Осиё минтақаси тўғрисида бой материаллар мавжуд. (*R.Xodjaeva, 2013:40*) Ал-Умарий ҳам ан-Нувайрийга

ўхшаб юкори мансабларга эришган, мавжуд китоб хазиналаридан бемалол фойдалана олган, ўз даврининг энг ўқимишли, билимдон кишиларидан эди. У ҳар бир маълумотларни диққат билан таҳлилдан ўтказар экан, уларни ўзаро таққослаб ҳақиқатни аниқлашга интилар эди. Айниқса, хабарларни сафардан қайтганлардан, ўз кўзи билан кўрганлардан йиғишни афзал кўрар эди, аммо бу маълумотларни ҳам қайта-қайта текширувдан ўтказарди. Тарихга бағишланган боблар ҳужжатларга асосланади, шунинг учун мамлук султонлари даврига бағишланган қисмлардан Европа олимлари кенг фойдаланганлар. Адабиётга бағишланган қисмларда Ал-Умарий мусулмон оламида арабийзабон адабиётнинг тарқалишига ҳамда буюк ёзувчи ва шоирлар таржимаи ҳолига, асарларининг тавсифига кўп ўрин ажратади. (*R.Xodjaeva, 2013:40*)

Ал-Умарий Ан-Нувайрийдан фарқли равишда фақат фактлар йиғиш билан кифояланмасдан, балки маданий ва илмий меросга синчков ва танқидий кўз билан қараб, ўз нуқтаи назаридан келиб чиқиб объектив ёндашишга ҳаракат қилган.

Бошқа бир тарихчи Ибн Заҳира ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Бу таҳаллус билан икки шахс ижод қилган. Ибн Заҳира ўзининг “Ал-фодоил ал-боҳира фи маҳосин Миср ва-л-Қоҳира” (*Ibn Zahira, 1969*) (“Миср ва Қоҳиранинг эзгу сифатларида гўзал фазилатлар”) номли китобида Миср тарихи, Миср диёридан чиққан пайғамбарлар, олимлар ҳақида маълумотлар бериб ўтган.

Муҳйиддин ибн Абдуззоҳир (620/1223–692/1292) Қоҳирада туғилган. Мамлуклар давлатида “Девон ал-иншо”нинг қатор вазифаларида хизмат қилган. Султон Бейбарснинг таржимаи ҳоли тўғрисида “Ар-равд аз-зоҳир фи-с-сийрат ал-малик аз-Зоҳир” (*Muhi ad-Din ibn Abd az-Zohir, 1976*) (“Шох аз-Зоҳир сийрати ҳақида яшнаган бўстон”) номли асар ёзган. Китоб асосан Зоҳир Бейбарс ҳукмдорлигининг илк йилларини – 1260–1265 йиллар ходисаларини ўз ичига қамраб олган. Асар мактов тарзида ёзилган бўлса-да, унда шу давр Миср ҳаёти тўғрисида қимматли маълумотлар мавжуд.

Тарихчи Носириддин Муҳаммад ибн ал-Фурот (735/1334–807/1405) Қоҳирада туғилган. У “Ибн Фурот ал-Мисрий” номи билан танилган. Унинг “Тарих ибн ал-Фурот” (*Ibn al-Furat Nosir ad-Din, 1970*) асарининг нашр этилган қисми 1273–1397 йилларнинг муҳим сиёсий-ижтимоий воқеаларини қамраб олади. У Ан-Нувайрийнинг энциклопедиясидаги тарихий маълумотлардан фойдаланган ҳамда ўзининг шахсий кузатишларига асосланган ва Мисрнинг хўжалик иқтисодий ҳаётидан ёрқин лавҳалар тақдим этган. Шунингдек,



асарда географик маълумотлар ва тарихий воқеалар ҳам ёритилган.

Исмоил ибн Али Абул Фидо (672/1273–732/1331) географ, тарихчи, усул ад-дин, мувашшах, файласуф, табиб бўлиб, у Дамашқда туғилган. Мамлук даври ҳақидаги асарлар ичида муҳим манба сифатида унинг “Ал-мухтасар фи ахбор ал-башар” (Ismoil ibn Ali Abu al-Fido, 1907) (“Башариятнинг қисқа хабарлари”) асари ҳам эътироф этилади. Абул Фидо Шомнинг Хомс шаҳрида яшаган, мамлуклардан келиб чиққан шаҳар ҳокими девонхонасида хизмат қилган. Султон саройига яқин бўлганлиги туфайли Хомсдан Мисрга тез-тез бориб турар эди. Унинг ўз замонаси ҳақида қолдирган битиклари Миср ва бошқа мамлакатлар тарихидан қимматли маълумотлар ҳикоя қилади.

Мамлук тарихчиси Абу Бакр ибн Ойбек ад-Даводорий ҳам бир нечта қимматли тарихий асарлар қолдирган олимлардан биридир. Мамлуклар девонхонасининг хизматчи котибларидан бўлган. Олимнинг “Ад-дурр ал-фоҳир фи сийрати ал-малик ан-Носир” (*Abu Bakr ibn Abd Allah ibn Aybek ad-Davadariy, 1982*) (“Шоҳ Носир сийрати ҳақида ажойиб дурдона”) номли асари бор. Ибн ад-Даводорий султон Носир Муҳаммад даврида яшаган ва унинг ҳокимият тепасига келишига ёрдам берган. Муҳаммад Носир 1293 йилдан бошлаб уч маротаба тожу тахт учун курашган: 1293–1294, 1299–1309 йилларда ҳам султонлик қилган ва ниҳоят 1310 йилдагина ҳокимиятни мустақкам эгаллаб, то 1341 йилгача – 42 йил мобайнида султонлик қилган. Ибн Даводорийнинг юқоридаги асари султоннинг учинчи ҳукмдорлик босқичини ўз ичига қамраб олган.

XV асрда яшаган яна бир тарихчи Ибн Занбал ар-Раммолнинг Мисрнинг шимолида туғилгани ҳақида маълумотлар бор, бироқ қачон туғилгани ҳақида манбаларда маълумот учрамайди. У Маҳмуд подшо ҳузурида таржимон сифатида фаолият юритган ҳамда “ар-Раммол” тахаллуси билан аталган. Унинг “Охира ал-мамолик ав воқеъа ас-султон ал-Ғурий маъа Салим ал-Усманий” (*Ibn Zanbal ar-Rammal, 1999*) (“Мамлуклар даврининг ниҳояси ёки Султон ал-Ғурий билан Салим ал-Усманий воқеалари”) номли асарида Миср тарихида Мамлук султонлари ҳукмронлиги даврининг охири ва усмоний турклар ҳукмронлигининг бошланиши билан боғлиқ маълумотлар келтириб ўтилган. Шунингдек, усмоний Султон Салим I нинг 1517 йилда Қоҳирага кириши билан боғлиқ ҳодисалар тасвирлаб берилган.

Машҳур тарихчи олим Ибн ал-Асир Али ибн Аҳмад (555/1160–630/1233) ҳам шу давр фарзанди бўлиб, Салоҳиддин ал-Айюбийнинг замондоши

бўлган. Унинг 12 жилдлик “Ал-Комил фи-т-тарих” (*Abu al-Hasan Azz ad-Din Ibn al-Asir, 1987*) (“Тарихда комиллик”) асарини ислом тарихининг бу даври бўйича мукамал маълумотлар жамланмаси дейиш мумкин. Унда қадимий дунё тарихи, Исломнинг пайдо бўлишидан то муаллиф яшаган давргача бўлган маълумотлар жамланган. У ҳар бир минтақада бўлиб ўтган ҳодисаларни – қурғоқчилик, зилзила, ҳатто эпидемияларни ҳам эътиборсиз қолдирмаган.

## ХУЛОСА

Умуман олганда Миср тарихида мамлуклар даври номини олган XIII–XV асрларда тарихий асарлар билан бир қаторда турли илмий соҳалар бўйича ёзилган рисоалар, хилма-хил шарҳлар, қисқа илмий баёнлар (ал-мухтасар), луғатлар, шу жумладан араб-турк ва турк-араб тилларида луғатлар, адабий жанрлардаги насрий ва назмий асарлар кўп миқдорда ёзилди.

Ўрта аср тарихчилари томонидан ёзилган асарлар XIII–XV асрлар тарихи, маданияти, сиёсий ва иқтисодий жараёнлари ҳамда адабиётига ҳолисона ёндашиб, шу даврнинг ютуқлари ва хусусиятларига объектив баҳо беришга ҳаракат қилганлари кузатилади.

## АДАБИЁТЛАР:

1. عبد الرحمن ابن خلدون. كتاب العبر وديوان المبتدأ والخبر في أيام العرب والعجم والبربر و من عاصرهم من ذوي السلطان الأكبر. بيروت: الأفكار العربية، 2001
2. عبد الرحمن ابن خلدون. مقدمة ابن خلدون. المحقق عبد الله محمد الدرويش. دمشق: دار يعرب، 2004
3. عبد الرحمن ابن اسماعيل (ابو شامة) كتاب الروضتين في اخبار الدولتين، تحقيق ابراهيم الزاييق، بيروت: مؤسسة الرسالة، 1997
4. أحمد بن علي ابن حجر العسقلاني. فتح الباري في شرح الثاني البخاري، 18 مجلدًا. – بيروت: مكتبة دار الكتب، 2000
5. أحمد بن علي ابن حجر العسقلاني. أنباء الغمر بأبناء العمر. المحقق الدكتور رحمن حبشي. المجلس الأعلى للشئون الإسلامية، 1969، 1998
6. القاسم عبد القاسم، الرواية التاريخية في الأدب العربي الحديث، القاهرة، 1977
7. أبو بكر بن عبد الله بن أبيك الدواداري. الدر الفاخر في سيرة الملك الناصر. (كنز الدرر في جامع الغرر) (تحقيق هانس روبرت رويمر). القاهرة: المطبعة لجنة التأليف والترجمة والنشر، 1982. – ص536
8. ابن الاثير علي بن أحمد. الكامل في التاريخ. – القاهرة: دار الكتب المصرية، 1987
9. لحولى أمين، صلات بين النيل و الفولجا، دار المعرفة، القاهرة، 1964
10. Aripova, Z. (2020). Sufi Motives in the Literature of the Egyptian Period. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24(2). <https://www.psychosocial.com/article/PR200348/9982/> (in English)
11. زهرة عاروفوفا. حياة المرأة ومكانتها في المجتمع في العصر المملوكي. The Light of Islam, 2020(2), 18-22.
12. Aripova Miss, Z. (2020). МИСРДА МАМЛУК СУЛТОНЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ. The Light of Islam, 2020(1), 82-88. <https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2020/iss1/11/>

13. Aripova, Z. D. (2019). МАМЛЮКСКИЕ СУЛТАНЫ В ЕГИПТЕ И АББАСИДСКИЕ ХАЛИФЫ В КАИРЕ. *Theoretical & Applied Science*, (10), 201-205
14. Арипова, З. (2020). МИСРДА МАМЛУКЛАР ДАВРИ (1250-1517) АРХИТЕКТУРАСИНИНГ ҲОМИЙЛИК МАСАЛАЛАРИ. Ўтмишга назар журнали, 8(3). <https://history.tadqiqot.uz/index.php/history/article/view/161>
15. Aripova, Z. (2020, November). THE MAMLUK PERIOD (1250-1517) IN THE EYES OF WESTERN TOURISTS. In *Archive of Conferences* (Vol. 9, No. 1, pp. 126-128).
16. Арипова З. Установление черкесского правления мамлюков в Египте // “Молодой ученый” Международный научный журнал. № 46 (336) / 2020. – С. 500-502
17. بدر الدين محمود العيني. السلطان برفوق مؤسس دولة المماليك الجراكسة.. القاهرة: مكتبة مدبولي. 2002.
18. بدر الدين محمود العيني. عقد الجمان في تاريخ اهل الزمان. محقق محمود رزق محمود. القاهرة: دار الكتب والوثائق القومية. 4 مجلد. 2010
19. ابن ظهيرة. الفضائل الباهرة في محاسن مصر و القاهرة. القاهرة. 1969.
20. ابن الفرات ناصر الدين. كتاب تاريخ ابن الفرات. تحقيق حسن محمد الشماخ. بصره: مطبعة حداد. 1970
21. إسماعيل بن علي أبو الفداء. كتاب المختصر في أخبار البشر. تحقيق محمد عبد اللطيف الخطيب.
22. ابن زنبيل الرمال. آخرة المماليك او واقعة السلطان الغورى مع سليم العثماني. القاهرة: الهيئة المصرية. 1999
23. جلال الدين عبد الرحمان بن أبي بكر السيوطي. كتاب حسن المحاضرة في أخبار مصر والقاهرة.. المحقق محمد أبو الفضل إبراهيم. القاهرة: دار إحياء الكتب العربية. 1967
24. جلال الدين عبد الرحمان بن أبي بكر السيوطي. تأريخ الخلفاء. بيروت: دار ابن حزم. 2003
25. جمال الدين أبي المحاسن ابن تغري بردي. كتاب النجوم الظاهرة في ملوك مصر والقاهرة. المحقق محمد حسين شمس الدين. بيروت – لبنان: دار الكتب العلمية. 16 مجلدا. 1992
26. جمال الدين أبي المحاسن ابن تغري بردي. منحايات حوادث الدهور في مدى الأيام والشهور. المحقق محمد كمال الدين عز الدين. القاهرة: عالم الكتب. 1990
27. خليل بن شيهين الظاهري. كتاب زبدة كشف المماليك وبيان الطرق والمسالك. القاهرة: دار العرب للبستاني. 1988
28. إبراهيم بن محمد بن دقماق القاهري. كتاب الانتصار لواسطة عقد الأمصار. المطبعة الأميرية الكبرى. 1893 (المكتبة التجارية للطباعة والنشر Karl Voller) والتوزيع. 1966
29. محمد بن عبد الرحمان السخاوي. كتاب التبر المسبوك في ذيل السلوك. المحقق نجوى مصطفى كامل. القاهرة: دار الكتب والوثائق القومية. 2002
30. محمد بن عبد الرحمان السخاوي. الضوء اللامع لأهل القرن التاسع. بيروت: دار الجيل. 1992
31. محمد بن أحمد بن إياس الحنفي. بدائع الزهور في وقائع الدهور. القاهرة: كتب الهيئة المصرية. 10 مجلد. 1982
32. محمد مصطفى زيادة. المؤرخون في مصر في القرن الخامس عشر الميلادي. القاهرة: لجنة التأليف وترجمة والنشر. 1949
33. محيي الدين بن عبد الظاهر. الروض الزاهرة في السيرة الملك الظاهر. الرياض. 1976. ص 519
34. نور الدين على ابن داود ابن الصيرفي. نزهة النفوس والأبدان في تواريخ الزمان. المحقق محمد جمال حامد الشوربجي. القاهرة: معهد المخطوطات العربية. 2019
35. تقى الدين أبو العباس أحمد بن علي بن عبد القادر العبيدي المقرئ. السلوك في معرفة دول الملوك. ببيروت: دار الكتب العلمية. 1997
36. تقى الدين أبو العباس أحمد بن علي بن عبد القادر العبيدي المقرئ. المواظ والاعتبار بذكر الخطط والآثار. بولاق: أوست. 2002
37. تقى الدين أبو العباس أحمد بن علي بن عبد القادر العبيدي المقرئ. كتاب إغاثة الأمة بكشف الغمة. المحقق كرم حلمي فرحات. القاهرة: عين للدراسات والبحوث الإنسانية والاجتماعية. 2007
38. Тизенгаузен В.Г. Сборник материалов относящихся к Золотой Орде. Т.1, С-П. 1884.
39. Р.Ходжаева. Мамлюклар даври араб адабиёти (XIII-XV асрлар). Тошкент, 2013.
40. شهاب الدين القلقشندي. كتاب صبح الأعشى في صناعة الإنشاء. القاهرة: دار الكتب. 12 مجلدا. 1914-1919
41. شهاب الدين النويري. نهاية العرب في فنون الأدب، تحقيق أحمد الزكي باشا، دار الكتب، القاهرة ج. 1-3، 1924-1922
42. شهاب الدين العمري. مسالك الأبصار في ممالك الأمصار. محقق إبراهيم صالح، أبو ظبي: المجمع الثقافي. 2002 ص 536

## REFERENCES

1. Abd ar-Rahman Ibn Xaldun.(2001) Kitab al-'ibar va divan al-mubtada' va al-xabar fi ayyam al-'arab va al-'ajam va al-barbar va man o'sarahum min zavi as-sulton al-akbar. Bayrut: al-'afkor al-'arabiyya. (in arabic)
2. Abd ar-Rahman Ibn Xaldun. Muqaddima Ibn Xaldun. (2004)Dimashq:Dar ya'rab.(in arabic)
3. Abd ar-Rahman Ibn Ismoil Abu Shama.(1997) Kitab ar-ravdatayn fi axbar ad-davlatayn. Bayrut: Muassasa ar-risala. (in arabic)
4. Ahmad Ibn Ali Ibn Hajar al-Asqalaniy. (2000)Fath al-bariy fi shahr as-saniy al-Buxariy. Bayrut: Maktaba dar al-kutub. (in arabic)
5. Ahmad Ibn Ali Ibn Hajar al-Asqalaniy. (1998)Anba'u al ghumr bi anba' al-umr. al-Majlis al-a'la li-sh-shu'un al-islamiya. (in arabic)
6. Al-Qosim Abd al-Qosim.(1977) Ar-Rivaya at-tariyxiya fi al-adab al-arabi al-hadis. Qohira. (in arabic)
7. Abu Bakr ibn Abd Allah ibn Aybek ad-Davadariy. (1982) Ad-Dur al-faxir fi siyra al-malik an-Nasir. Al-Qahira:al-matba'a lajna at-taalif va at-targama va an-nashr. (in arabic)
8. Abu al-Hasan Azz ad-Din Ibn al-Asir. (1987)Al-Kamil fi at-tarix. Al-Qahira:Dar al-kutub al-misriyya (in arabic)
9. Al-Xuli Amiyn.(1964) Silaat bayna an-Nil va al-Fulja. Al-Qohira:dor al-ma'rifa. (in arabic)
10. Aripova, Z. (2020). Sufi Motives in the Literature of the Egyptian Period. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 24(2). <https://www.psychosocial.com/article/PR200348/9982/> (in English)
11. Aripova, Z. (2020). THE LIFE AND STATUS OF WOMEN IN SOCIETY during the MAMLUK PERIOD. *The Light of Islam*, 2020(2), 18-22. [https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2020/iss2/3/\(in arabic\)](https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2020/iss2/3/(in arabic))
12. Aripova Miss, Z. (2020). STRUCTURE FORMATION MAMLUK SALTANATE IN EGYPT. *The Light of Islam*, 2020(1), 82-88. [https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2020/iss1/11/\(in uzbek\)](https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2020/iss1/11/(in uzbek))
13. Aripova, Z. D. (2019). Mamluk sultans in Egypt and Abbasid caliphs in Cairo. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 10(78), 201-205 <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2019.10.78.36>(in Russian)
14. Aripova, Z. (2020). Misrda mamluklar davri (1250-

- 1517) arxitekturasining homiylik masalalari. O'tmishga nazar jurnali, 8(3). <https://history.tadqiqot.uz/index.php/history/article/view/161>(in uzbek)
15. Aripova, Z. (2020, November). THE MAMLUK PERIOD (1250-1517) IN THE EYES OF WESTERN TOURISTS. In Archive of Conferences (Vol. 9, No. 1, pp. 126-128). (in uzbek)
  16. Aripova Z. (2020). Ustanovlenie cherkesskogo pravlenie mamlukov v Egipte // "Molodoy ucheniy" Mejdunarodniy nauchniy jurnal. № 46 (336) / 2020. – P. 500-502 (in Russian) <https://moluch.ru/archive/336/74955/>
  17. Badr ad-Din al-Ayniy.(2002) As-Sulton Barquq muassis davla al-mamalik al-jarakisa. Al-Qahira: Maktaba madbuliy.(in arabic)
  18. Badr ad-Din al-Ayniy.(2010) Aqd al-jaman fi tarix ahl az-zaman. Al-Qahira: Dar al-kutub va as-soig al-qavmiya. (in arabic)
  19. Ibn Zahira.(1969) Al-Fado'il al-bahira fi mahasin Misr va al-Qahira, al-Qahira: Multaqa ahl al-asar. (in arabic)
  20. Ibn al-Furat Nosir ad-Din. (1970) Kitab tarix ibn al-Furat. Busra:Haddad,1970.(in arabic)
  21. Ismoil ibn Ali Abu al-Fido. Al-Muxtasar fi Axbar al-bashar. Al-Qahira:al-Husayniyya al-misriyya. (in arabic)
  22. Ibn Zanbal ar-Rammal. (1999)Oxira al-mamalik av vaqea as-Sulton al-Ghuriy maa Salim al-'Usmani. Al-Qahira:al-Hay'a al-misriyya, 1999. (in arabic)
  23. Jalol ad-Din Abd ar-Rahmon ibn Abu Bakr As-Suyutiy. (1967) Kitab Husn al-Muhodara fi axbar Misr va al-Qahira. al-Qahira: Dar ihya al-kutub al-arabiyya,1967. (in arabic)
  24. Jalol ad-Din Abd ar-Rahmon ibn Abu Bakr As-Suyutiy. (2003)Tarix al-xulafa. Bayrut: Dar ibn Hazm,2003. (in arabic)
  25. Jamol ad-din Abu al-Mahasin Ibn Taghri Birdi. (1992) Kitab an-nujum az-zahira fi muluk Misr va al-Qahira. Bayrut: Dar al-kutub al-'ilmiya. (in arabic)
  26. Jamol ad-din Abu al-Mahasin Ibn Taghri Birdi. (1990) Muntajat havadis ad-duhur fi mada al-ayyam va ashshuhur. Al-Qahira: 'Ilm al-kutub,1990. (in arabic)
  27. Khalil ibn Shahin az-Zahiri. (1988)Kitab az-Zubda kashf al-mamalik va badai-t-turuq va al-masalik. Al-Qohira: Dar al-arab lil-Bustaniy, 1988. (in arabic)
  28. Muhammad ibn Duqmaq. (1966)Kitab al-intisar livasita aqd al-amsar. Al-Maktab at-tijariy l-t-tibaa va-n-nashr va-t-tavzi'. / mas'ul mumuharrir Karl Voller.1966. (in arabic)
  29. Muhammad ibn 'Abd ar-Rahman As-Saxxaviy.(2002) Kitab at-tibr-l-masbuk fi zayli-s-suluk. Al-Qahira: Dar al-kutub va al-vasa'iq al-qavmiya, 2002. (in arabic)
  30. Muhammad ibn Abd ar-Rahman As-Saxxaviy. (1992) Ad-du'u al-lamiy li ahl al-qahr at-tasiy. Bayrut: Dar al-jayl,1992. (in arabic)
  31. Muhammad ibn Ahmad ibn Iyas al-Hanafiy. (1982) Bada'i' az-zuhur fi vaqa'i' ad-duhur. Al-Qohira: kutub al-hay'a al-misriyya, 1982. (in arabic)
  32. Muhammad Mustafu Ziyoda. (1949)Al-Muarrixun fi Misr fi al-qarn al-xamis 'ashar al-milodiy. Al-Qahira:Lajna at-ta'lif va tarjama va an-nashr,1949. (in arabic)
  33. Muhi ad-Din ibn Abd az-Zohir. (1976)Ar-Ravd az-Zahira fi as-Siyra al-Malik az-Zahir. Ar-Riyod. 1976. (in arabic)
  34. Nur ad-din Ali ibn Davud Ibn Sayrafiy. (2019)Nuzha an-nufus va al-Abdan fi tavarix az-zaman. Al-Qohira: ma'had al-maxtutat al-arabiya,2019. (in arabic)
  35. Taqiy ad-Din al-Maqriziy. (1997)As-Suluk fi ma'rifa davla al-muluk . Bayrut: Dar al-kutub al-ilmiya, 1997. (in arabic)
  36. Taqiy ad-Din al-Maqriziy.(2002) Al-Mavaiz va al-i'tibar bi zikr al-xutat va-al-asar. Buluq:Avst, 2002. (in arabic)
  37. Taqiy ad-Din al-Maqriziy. (2007) Kitab ighasa bi kashf al-ghumma. Al-Qahira: 'Ayn li ad-dirasat va-l-buhus al-insaniya va-l-ijtima'iyya, 2007. (in arabic)
  38. Tuzengauzen V.G. (1884) Sbornik materialov odnosyashixsya k Zolotoy Orde. T.1, S-P. 1884. (in Russian)
  39. R.Xodjaeva.Mamluklar davri adabiyoti (XIII-XV asrlar). (2013)Toshkent: Tezkor-press print,2013 (in uzbek)
  40. Shahab ad-Din Al-Qalqashandiy. (1914-1919) Kitab subh al-asha fi Sinai al-insha. Al-Qahira: Dar al-kutub, 1914-1919. (in arabic)
  41. Shahob ad-Din an-Nuvayriy. (1922-1924) Nihaya al-arab fi funun al-adab. Al-Qohira: Dar al-kutub, 1922-1924. (in arabic)
  42. Shahob ad-Din al-Umariy. (2002) Masalik al-absor fi mamalik al-amsor. Abu Zabi: al-majma' as-Saqofiy, 2002. (in arabic)

